

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИГА 15.03.2022 ДА
ЖОЙЛАШТИРИЛГАН №54469 ЛОТГА АСОСАН**

ШАРТНОМА № 12

Тошкент вил.

30.03.2022 йил

Ўз Низомига кура фаолият юритувчи «ROAD COLOR» МЧЖ бундан буён “Етказиб берувчи” деб юритилади, унинг номидан рахбари **Парпиев Ислон Жаҳонгир ўғли** бир томондан ва **Андижон вилояти Махсус эксплуатация-монтаж булинмаси** бундан буён “Харидор” деб юритилади, унинг номидан рахбари **К.А.Джаббаров** иккинчи томондан куйидаги мазмунда шартнома туздик:

1.Шартнома предмети.

1.1 “Етказиб берувчи” ўзига тегишли бўлган ва келишилган куйидаги товарларни “Харидор”нинг манзилига етказиб беради, “Харидор” эса ушбу товарларни қабул қилиб олиб ҳисоб-китоб қилади.

ТР	Товар моддий бойликларининг номи	Ул.бир	Микдори	Нархи	Суммаси
1.	Ёттик хавфсизлик чизиклари учун йўл бўёқлари	кг	14 204	35 199	499 966 596
	Жами		14 204	35 199	499 966 596

Шартноманинг умумий суммаси: **499 966 596** (Тўрт юз тўқсон тўққиз миллион тўққиз юз олти миш олти минг беш юз тўқсон олти) сўм **00** тийинни ташкил этади ҚҚС билан.

2. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китов тартиби.

2.1 Ҳисоб китоб “Харидор” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2 Шартнома кучга кириб, 5 банк иш кунида “Харидор” етказиб бериладиган товарлар умумий суммасининг **30%**ни, яъни **149 989 978,80** (Бир юз қирқ тўққиз миллион тўққиз юз саксон тўққиз минг тўққиз юз етмиш саккиз) сўм **80** тийинини олдиндан аванс тариқасида “Етказиб берувчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3 Умумий сумманинг қолган **70%** и ёки **349 976 617,20** (Уч юз қирқ тўққиз миллион тўққиз юз етмиш олти минг олти юз ўн етти) сўм **20** тийинини “Етказиб берувчи” томонидан етказиб берилган товарлар ҳисоб-варақ фактуралари асосида ўтказиб беради.

2.4 “Харидор” томонидан 30% изи олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг “Етказиб берувчи” 3 банк иш кунида давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб бериладиган, товарларни “Харидор”га етказиб беради.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1 “Харидор”нинг ҳуқуқлари:

“Етказиб берувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

“Етказиб берувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш:

-зарур сифатга эга бўлмаган товарларни етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра;

-зарур сифатга эга бўлмаган товарларни шунга ўхшаш товарлар билан алмаштирилиши;

-баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

-мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Етказиб берувчи”дан талаб қилиш.

3.2 “Харидор”нинг мажбуриятлари;

-ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.3 “Етказиб берувчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-етказиб берилган товарлари учун олдиндан ҳақ тўланиши амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Харидор”дан талаб қилиш;

-берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етазилган зарарни қоплашини “Харидор”дан талаб қилиш:

3.4 “Етказиб берувчи” қуйидагиларга мажбур:

-“Харидорга” га товарларини мазкур шартномага мувофиқ ёки “Харидор” томонидан мазкур шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган учунг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

4. Шартноманинг бажарилиши

4.1 Мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур разда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминланса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3 Етказиб берилган товарларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб банк муассаси штампида кўрсатилган сана етказиб бериладиган товарларига ҳақ тўлаш бўйича “Харидор” мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4 “Харидор”нинг розилиги билан товарлар муддатдан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва “Харидор”томонидан қабул қилинган товарлар учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган товарлар ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5 “Харидор” муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган товарларни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6 Етказиб берилган товарларни бевосита “Харидор”нинг маъсул ходими томонидан қабул қилинади.

4.7 мазкур шартномада назарда тутилган товарларни етказиб бериш мазкур шартномага мувофиқ ёки “Харидор”нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда “Етказиб берувчи” Харидорнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари яритлади.

4.8 “Харидор” илгари берилган буюртманомани бекр қилишга ёхуд товарларнинг тегишли туркумлари етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Етказиб берувчи”ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги.

Етказиб берувчини жавобгарлиги:

5.1. Етказиб берилган товарлар сифати, миқдори “Етказиб берувчи” томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда “Етказиб берувчи” етказиб берилган товарлар сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари “Харидор”га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар етказиб берилган товарларнинг сифати, ассортимент, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа штатларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3 Товарларни етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун “Етказиб берувчи” “Харидор”га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган товарларнинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, “Етказиб берувчи” “Харидор”га товарларни етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда “Етказиб берувчи” “Харидор”га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товарларни етказиб

бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. “Етказиб берувчи”нинг айби билан шартноманинг “Харидор” томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда “Етказиб берувчи” томонидан қопланади.

“Харидор”нинг жавобгарлиги: Етказиб берилган товарлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Харидор” “Етказиб берувчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

6. Низоларни ҳал этиш тартиблари

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда улар судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Келишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

7. Форс-мажор

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар “ёнғин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари”, агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурийят бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

7.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

8. Бошқа шартлар.

8.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

8.2. Шартнома ва иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

8.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзича равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

8.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси “Етказиб берувчи” да иккинчи нусхаси “Харидор” да сақланади.

9. Шартнома муддати .

9.1. Шартнома амал қилиш муддати томонлар мажбурийятларни бажаргунга қадар ёки **31 декабрь 2022 йилгача** амал қилади.

9.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

10. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари.

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

ROAD COLOR» МЧЖ

П.манзил: Тошкент ш. Қибрай тумани Салар
Ёнғоқзор 19-уй.
Х/р: 2020 8000 9050 5678 2001
ТОШКЕНТ Ш., АТБ "КИШЛОК ҚУРИЛИШ
БАНК"НИНГ СЕРГЕЛИ ФИЛИАЛИ
МФО 01179
ИНН 306271141
ОКЭД 20300




Директор: Паршев И.Ж.

Адрес:

«ХАРИДОР»

Андижон вилоят Махсус эксплуатация монтаж булинмаси.

Манзил: Анд. Шах. Чуама кучаси 3-уй
Х/р: 100021860034017045206110001
ЎзР Молия Вазирлиги Газначилиги
Газна ҳисобвара Ғи: 23402000300100001010
СТИР: 201122919, МФО: 00014
Банк номи: Марказий банк Тошкент
ш. ХККМ
СТИР (ИД) 100021860034017045206110001



Раҳбар: К.А. Джаббаров

Р. Халқенов